

576-89

9-747

И ЭРГАШЕВ, Н. МАТЧОНОВ, В. СОДИҚОВ

20625717  
ҚҮЙ ВА ЭЧКИЛАРДА  
ГИЖЖА КАСАЛЛИГИ


И. Х. ЭРГАШЕВ, Н. М. МАТЧУНОВ, В. М. СОДИҚОВ

576.89

Э-747

ҚҰЙ ВА ЭЧКИЛАРДА  
ГИЖЖА (ГЕЛЬМИНТ)  
КАСАЛЛИГИ

Л152902 №  
2062517



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЯТИ  
Тошкент—1968

Бу брошюрада чорвадорлар қўй ва эчкиларда учрайдиган гижжа (гельминт) касалликларидан эхинококкоз, ценуроз ва бошқалар ҳақида нималарни билишлари лозимлиги, у касалликларни даволаши ва олдини олиши чоралари ҳақида фикр юритилади.

Брошюра чўпонлар, чорвачилик фермаси ходимлари, колхоз ва совхоз ишчиларига мўлжалланган.

Эргашев И. Х. ва бошқ.

Қўй ва эчкиларда гижжа (гельминт) касаллиги Т., «Ўзбекистон, 1968.  
37 бет., расм.

Сарлавҳа олдида авт.: И. Х. Эргашев, Н. М. Матчонов ва В. М. Седников.

Эргашев И. Х. Гельминтозы мелкого рогатого скота.

636.09

Ўзбекистонда қўйчилик чорвачиликнинг етакчи соҳаларидан бири ҳисобланади. Гижжа касалликлари чорвачилик тараққиётини анча орқага суради. Бу касалликлардан ҳар йили кўплаб қўйлар нобуд бўлади, бундан ташқари, гижжа касалликлари молларнинг маҳсулдорлигини ҳар томонлама камайтиради. Қўйларда энг кўп учрайдиган гижжа касалликларидан эхишококкоз ва ценуроз кейинги 12 йил давомида фақат Самарқанд областидагина қўйчиликка иқтисодий жиҳатдан 20 млн сўмга яқин зарар етказди. Тахминий ҳисобларга кўра, республикамиздаги 80 минг қўйи бўлган ҳар бир йирик қўйчилик хўжалиги гижжа касаллигидан йилига 50 минг сўм зарар кўрар экан. Шунинг учун ҳам гижжа касалликларига қарши курашни яхши уюштириш қўйчиликдаги дастлабки вазифалардан ҳисобланади.

### ГИЖЖА КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ГИЖЖАЛАР

Гижжа касалликлари — гельминтоз — бу паразит ҳолатида яшовчи гижжалар чақирадиган касалликдир. Паразит (текинхўр, бошқалар ҳисобига яшовчи) гижжалар — кўп хўжайрали организмлар қаторига киради. Ҳайвонларда учраб, паразит ҳолида яшайдиган гижжалар — кўп хўжайрали организмлар қаторига киради. Лентасимон ёки цестодалар. Бундай деб аталышларига сабаб улар танасининг шакли лентасимондир. Цестодаларнинг танаси калла — сколекс, бўйнини майда аъзолар (қисмлар) дан ташкил топган. Цестодалар танасининг узунлиги 0,3 см дан 10 метрга боради

ва ундан ҳам узунроқ бўлиши мумкин. Сколекслар ёрдамида цестодаalar ҳайвон ичагининг шиллиқ (ички) қаватига ёпишиб оладилар. Сколексадаги махсус орган — сўргич ёрдамида цестодаalar ҳайвонлар тўқимасига ёпишиб оладилар. Баъзи цестодаalarнинг бош қисмида махсус илгакчалари бўлган хартумчалар бор. Цестодаalar гермафродит, яъни уларда икки жинсга тааллуқли орган мавжуд. Кўпинча цестодаalar личинка шаклида ёки жинсий балоғатга етган формада учрайди. Цестодаalar баъзи организмларда личинка шаклида бўлсалар, иккинчи бир организмда жинсий балоғатга етган шаклда учрайди. Танасида гижжалар фақат личинка шаклида учрайдиган организмлар оралиқ хўжайин (промежуточные хозяева) деб юритилади. Танасида гижжаларнинг жинсий балоғатга етган формалари учрайдиган организмлар дефинитив хўжайин (хозяева) деб юритилади. Цестодаalarнинг ҳаёт даври бир ёки икки оралиқ хўжайинда, баъзан уларсиз ҳам ўтиши мумкин. Ўз ичида гижжа тухумлари етишиб чиққан бўғинлар гижжа танасидан ажралиб, ҳайвоннинг ахлати билан ташқарига чиқади, ўзи парчаланиб кўп миқдорда гижжа тухумларини қолдиради. Баъзи цестодаalarнинг тухумлари (онкосфералар) оралиқ хўжайин организмга киргач личинкаларга айланади. Личинкалар тараққий этиб дефинитив хўжайин организмга киради. Личинка тараққийетидаги бу давр инвазион (бирор организм ичига кириш) даври деб аталади. Личинкалар дефинитив хўжайин организмга киргач жинсий томондан балоғатга етиб, лента шаклини олади. Цестодаalar ҳайвонлар организмга ҳисобига яшаб тараққий этади ва цестодоз деб аталадиган касалликни келтириб чиқаради.

**Сўрувчи гижжалар ёки трематодалар.** Бу гуруҳга кирувчи гижжалар фанда трематодалар деб юритилади, халқ тилида эса сўрувчи гижжалар дейилади.

Сўрувчи деб бежиз айтилган эмас, уларнинг оғзи ҳайвон аъзолари (жигар, ичак ва ҳоказо)га ёпишиб, уни сўриб ётади, гельминтларнинг оғзи думалоқ, сўргичларнинг тубида жойлашган бўлади. Трематодаларнинг танаси барг шаклида япалоқ бўлади. Трематодалар танасининг узунлиги 0,1 см—15 см. Трематодалар цестодаalar каби гермафродитдир. Трематодалар ҳайвонларда трематодоз деб аталадиган касалликни келтириб чиқаради. Ҳайвонлар организмда паразит ҳолида



ишайдиган трематодалар тирик организм қони, шираси ҳамда шиллиқ моддалар билан озиқланади. Трематодалар асосий, оралиқ, баъзан қўшимча хўжайинлар ёрдамида тараққий этадилар. Жинсий жиҳатдан балогатга етган трематодалар дефинитив хўжайин танасида паразит ҳолида яшаб, тухум қўяди. Бу тухумлар сув ёки ерда тараққий этишни давом эттиради. Маълум вақтдан сўнг бу тухумлардан личинка чиқади. Тараққий этишни давом эттириш учун бу личинкалар оралиқ хўжайиннинг танасига киришлари лозим. Бу хўжайин танасида личинкалар ўз тараққиётининг турли даврини ўтказишади. Оралиқ хўжайин танасида мураккаб процессни ўтказганидан кейин (церкарийлар — маълум стадиядаги личинкалар) личинкалар — церкарийлар ҳосил бўлади. Улар оралиқ хўжайин танасини қолдириб ташқарига чиқади. Агар бирорта ҳайвон (дефинитив хўжайин) бирор орган ичига кира оладиган (инвазион) адолескарний ёки метоцеркарийларни ютиб юборса, бир қанча вақтдан сўнг у организмда жинсий жиҳатдан балогатга етган трематодалар ҳосил бўлади.

**Думалоқ гижжалар ёки нематодалар.** Бу гижжалар урунчоқ бўлиб, кўндаланг кесиклари айлана шаклидадир. Узунликлари эса, бир неча миллиметрдан метрга етади, баъзан ундан ҳам ошади. Нематодалар асосан икки жинслидирлар, яъни улар эркак ва урғочиларга бўлинади. Урғочиларини эркаклари уруғлантиради. Урғочилари уруғланганидан кейин тухум ёки майда личинка чиқаради. Кўпинча тухум ёки личинкалар ташқи муҳитга чиқади. Ташқи муҳитга чиққан тухумларнинг етилиши учун маълум вақт талаб қилинади. Нематодалар оралиқ хўжайин организмда ёки усиз ҳам тараққий этишлари мумкин. Нематодалар қўй ва эчкиларда нематодоз касалликларини келтириб чиқаради.

### **ГИЖЖА КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТУГАТИШДАГИ ГИГИЕНА ҚОНДАЛАРИ**

Қўй ва эчкилар гижжа касалликларига кўпинча яйловларда дучор бўладилар. Чунки гижжаларнинг личинкалари кўпроқ бу ердаги ўтларда тўпланиши мумкин. Мол бу ўтлар билан бирга организм ичига кириб оладиган (инвазион) личинкаларни ва тухумларини ҳам ютиб юбориб шу йўл билан касалга чалинади. Ўтлардан ташқар

сув орқали ҳам касаллик тарқалиши мумкин. Шуни унутмаслик керакки, гижжаларнинг тухум ва личинкалари сувга тушгач узоқ вақт тирик қоладилар. Сув билан организмга киргач, у ерда гижжа касалликларини келтириб чиқарадилар. Гижжаларнинг оралиқ хўжайинлари ўз атрофидаги тупроқда ҳам бўлиши мумкин. Қўй ва эчкилар ўт билан бирга личинка тутган оралиқ хўжайинларни ҳам ютиб юбориб касалга чалинади.

Баъзан личинкалар терига мол оёғи ёки терисига ёпишиб қолган суюқ лойдан ҳам ўтиши мумкин.

Кўпчилик гижжаларнинг тухум ва личинкалари 5—6, баъзан 10—15 кунгача инвазион қобилиятига эга бўлмайди,— касалликни юқтирмайди. Шунинг учун ҳам мана шу вақт ичиди яйловни ўзгартириш лозим. Яйловларни айниқса баҳор ва кузда мунтазам ўзгартириб туриш керак. Чунки бу даврда кўпинча ёмғир ёғиб ҳавонинг температураси 15—30° га кўтарилади, тупроқ температураси 40—45° дан ошмайди. Совуқроқ кунларда эса, мол боқиладиган яйловларни 10—20 кунда алмаштириб туриш зарур.

Кўпинча қўй ва эчкилар сув ичаётган вақтда гижжа касаллигини юқтиришлари мумкин. Кўлмак сув, ботқоқликларда гижжа тухуми ва личинкалари узоқ сақланади. Шунинг учун қўй ва эчкиларни иложи борича бундай ерларда сугормаслик керак. Молларни қудуқ сувидан суғоришда, қудуқ атрофлари қуруқ бўлиб, у ерда сув тўпланишига йўл қўйиш керак эмас. Моллар сув ичадиган ариқ, булоқ, сой четларига тош терилган ёки шох босилган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Моллар суғориладиган тоғораларни тоза тутиш, уларни бир оз баландга ўрнатиш керак.

Кичик анҳор, сой қирғоқларидаги соя ерда ўт яхши ўсади. Бу ўтлар орасида гижжанинг тухум ва личинкалари узоқ вақт яхши сақланиши мумкин. Молларнинг бундай ерда касалликка чалиниш хавфи яна ортади.

Қоракўл қўйларни қишда қўзилатиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу вақтда яйловларга қўзилар анча ўсиб бақувватлашган ҳолда чиқади, шу сабабли касалланиш хавфи анча камаяди. Қўйлар қишда қўзилаган вақтда, ҳали ўзлари анча семиз бўладилар. Уларда етарли миқдорда сут бўлади. Шунинг учун ҳам қўзилар анча бақувватлашган, касалликка тез чалинмайдиган ҳолда баҳорги яйловга чиқадилар.

Ўзбекистон шароитида ташқи муҳит ёз давомида анча юқумсизланади (стерилланади). Ёши катта семиз қўйлар ёзги яйловларда гижжалардан тозаланадилар. Лекин бу даврда соғлом молларга касал юқтирадиган энг хавфли мол — озғин қўйлар — «хўрда» лардир. Шунинг учун қўзиларни қари қўйлардан, семизларини озғинларидан ажратиб боқиш керак. Қўй ва эчкилар мана шу тартибда боқилганда гижжа касалликларига чалинган қўйларга яқинлаша олмайдилар. Натижада қўй ва эчкилар кўп тарқалган гижжа касалликларидан холи бўлишлари мумкин.

Моллар орасида тарқалган юқумли касалликларга қарши курашиш учун чўпонлар ҳаром ўлган молларни ҳамда касалланган органларни йўқотишлари лозим. Шу мақсадда ўлган мол куйдириб ташланади, бу энг яхши усулдир. Ўлган молни куйдириш учун зоокрематорийлардан ёки махсус чуқурлардан фойдаланиш мумкин. Бу чуқурлар 4—6 метр бўлади. Унинг ён томонларига юқоридан пастгача тош терилади. Чуқурнинг устидан тўрт томони цементланади. Чуқурдан бир метр қочириб хом ғиштдан ҳужра қурилади. Бу ҳужрада ўлган моллар ёриб кўрилади, унда зарарсизлаштирувчи эритмалар сақланади. Уйчанинг иккита эшиги бўлиши лозим. Бир эшик чуқур томонга очилади — бу эшикдан ўлган моллар чуқурга ташланади: иккинчиси қарши томонга очилади — бу эшикдан мол ҳужрага олиб кирилади. Ҳужранинг атрофи ўраб қўйилади. Ўлган моллар вақт-вақти билан чуқурда ёндириб турилади. Уларни куйдириш учун чуқурга бир оз ёндирувчи модда (соляр мойи — «солярка») қуйиб ўт қўйилади. Ўлган молларни куйдириш учун А. К. Леонтьевнинг ўлимтик куйдирадиган печидан фойдаланиш анча қулайдир. Маҳаллий шароитга қараб ўлимтикларни бошқа усулда ҳам йўқотиш мумкин; уларни чуқурларга кўмиб ташлаш, ўлган мол ёки айрим органларни қайнатиб, сўнг улар билан чўчқа, товуқ ва бошқа уй паррандаларини боқиш мумкин.

Ўзбекистон шароитида барча моллар озми-кўпми гижжа билан касаллангандир. Молларнинг ошқозон ва ичакларида, жигарида, ҳаво йўлларида паразит ҳолида яшовчи гижжаларнинг тухум ва личинкалари ахлат билан бирга ташқарига чиқади. Қўй, эчки ва бошқа молларнинг ахлатида ҳар доим гижжаларнинг тухуми



ёки личинкалари бўлади. Шунинг учун гўнгни яхшилаб биотермик усулда зарарсизлантириш лозим.

Биотермик усул деганда гўнг ичида кўпаядиган ва кўпайиш даврида юқори температура (60—70 даража) берадиган микроблар назарда тўтилади. Бу температура гижжалар тухуми, личинкаси ва ҳайвонларда касаллик чақирадиган баъзи микробларни ўлдиради. Биотермик зарарсизлантириш аҳоли ҳамда мол яшайдиган уйлардан, қудуқ ва бошқа сув иншоотларидан 100 метр узоқда жойлашган махсус жойда ўтказилади. Бунинг учун кенглиги 2—3 метр, чуқурлиги 50 см ли ўра қазилади. Чуқурнинг тубига 25—30 см қалинликда хашак ёки хашак аралашган гўнг ташланади. Бу қават устига гўнг ташланади. Гўнг билан чуқур девори орасида 40—50 см кенликда йўл қолиши керак. Гўнг пирамида шаклида уйиб қўйилади. Унинг баландлиги 2 метргача бўлади. Гўнг босилмайди — ҳовол қилиб уйилади. Бундан ташқари бошқачароқ гўнг сақланадиган чуқурликлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

#### **ҚҲЙ ВА ЭЧКИЛАРДА УЧРАЙДИГАН ЦЕСТОДОЗАЛАР: ЭХИНОКОККОЗ, ЦЕНУРОЗ ВА ГИДАТИГЕН ЦИСТИЦЕРКОЗИ**

Эхинококкоз эхинококк номли паразит чақирадиган хроник цестодоз касалидир. Эхинококклар личинка (қурт) ва жинсий етилган даврларни ўтказади. Эхинококк маҳсулдор молларда — қўй, қорамол, чўчқаларда личинкалик даврида паразит ҳолида яшайди. Бу даврда эхинококк суюқлик билан тўлган пуфакча шаклида бўлади. Демак, маҳсулдор моллар эхинококк учун оралик хўжайин вазифасини ўтайдилар. Эхинококк пуфакчалари инсон организмда катта аҳамиятга эга бўлган жигар, ўпка, юрак, талоқ ва бошқа органларда жойлашади (1—2-расм). Паразит мана шу органларда жойлашиб секин-аста ўса боради ва анча катталашади. Баъзан эхинококк пуфаги ҳайвонларда бир килограммга етиши мумкин. Эхинококк пуфакчалари ҳар бир ҳайвонда биттадан бир неча юз донагача бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда қўй, қорамол ва чўчқаларга эхинококк касаллиги асосан итлардан юқади. Итлар эхинококк паразити учун дефинитив хўжайин вазифасини ўтайдилар. Итлар эхинококк билан касалланган ҳайвонларнинг



1-расм. Эхинококк касаллигига учраган молнинг ўпкаси.

органларини еб, ўзлари бу касалликни тарқата бошлайдилар. Ит еган эхинококк пуфакчасида бир неча минг эхинококк касалини қўзғатадиган паразитлар бўлиши мумкин. Орадан 45—70 кун ўтгач, итнинг ичагида танасининг узунлиги 3—8 мм га етадиган бир неча минг эхинококк цестодалари етишади. Ит ичагидаги бу эхинококклардан тухум (онкосфера) билан тўлган, етук аъзочалар ажралиб туради. Онкосфера — ўзида олтита илгакчаси бўлган (зародиш) муртақдир. Маҳсулдор моллар овқат ёки сув билан эхинококк онкосфераларини ютиб юбориб бу касалликка чалинадилар.



2-расм. Эхинококк касаллигига учраган молнинг жигари.

Эхинококкоз касаллиги фақат ҳайвонлардагина эмас, балки одамларда ҳам учрайди.

Сўнгги йилларда эхинококкоз касаллиги шаҳар аҳолиси орасида ҳам кўп учраб туради. Чунки, Ўзбекистоннинг кўп шаҳарларидаги итлар озми-кўпми эхинококк касаллигига чалинганлар.

Шаҳарлардаги итларга эхинококк юқадиган янги бир манба топилди. Маълум бўлишича, қушхоналарда сўйилган молларнинг ўпка ва жигарларининг устига жуда кўп эхинококк сколекслари ёпишиб қолар экан. Бу ўпка ва жигарларни еган итлар эхинококк билан касалланидилар.

Эхинококкоз маҳсулдор молларда сурункали (хроник) формада ўтади. Моллар бу касалликдан жуда оз побуд бўлади, аммо бу касаллик уларнинг маҳсулдорлигини камайишига сабаб бўлади. Эхинококкоз касаллиги Ўзбекистонда чорвачиликка иқтисодий жи-



ҳатдан жуда катта зарар келтирмоқда. Эхинококк касаллигига учраган ҳар бир қоракўл қўй сўйилганда улардан олинadиган маҳсулотлар анча (гўшт 2,3 кг, ёғ 0,3 кг га, жигар 0,1 кг га, ўпка 0,4 кг га) камаяр экан. Бу зарар пулга чақиб ҳисобланганда ҳар бир қўйга 2 сўм 06 тийинни ташкил этади. Эхинококкоз гўштнинг сифатига ҳам таъсир қилади. Соғлом қўй сўйилганда 92,5% аъло сифатли, 7,2% ўрта ва фақат 0,3% ўртадан паст сифатли гўшт олинади. Эхинококкоз билан касалланган қўй сўйилганда аъло сифатли гўшт 17,6% ни, ўрта сифатлиси 64% ни ва ўртадан паст 18,4% ни ташкил қилади. Эхинококкоз касаллиги қўйларда касалнинг оғир ёки енгиллигига қараб тўрт даражага бўлинади (енгил, ўртача оғир, оғир ва жуда ҳам оғир даражалар). Қўй эхинококкоз касаллиги билан оғир даражада касалланганида овқат яхши ҳазм бўлмайди, мол тез озади. Ўпкаси оғир даражада зарарланганида, молнинг нафас олиши оғирлашади, молни қуруқ йўтал безовта қилади. Баъзан ўпкада эхинококк пуфакчаси ёрилиб, суюқлик ҳаво йўлига қўйилади. Бундай ҳолда молнинг аҳволи оғирлашади ва нобуд бўлади. Жигардаги эхинококк пуфаги ёрилганида эса молнинг қорин пардаси — брюшинанинг яллигланиши натижасида (перитонит) ҳалок бўлади. Қўй ва эчкиларда тарқалган эхинококкоз касаллигини даволаш усуллари ҳали ишлаб чиқилмаган. Бу касаллиكنинг олдини олиш усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, бу ҳақда кейинроқ тўхтаб ўтамиз.



3-расм. Қўйнинг бош миясидаги ценуроз.



Ценуроз — бу ёш қўй, эчки ва қорамолларда учрайдиган цестодоз касалликдир. Касалликнинг характерли томони шундаки, цестоданинг личинкалари миянинг ичига кириб олиб, нерв системасининг ишини бузади. Ценуроз касаллигига чалинган моллар одатда нобуд бўладилар. Тери остида жойлашган, ценур — бу цестоданинг пуфак шаклида бўлган личинкалик даври-



4-расм. Тери остида жойлашган ценурозлар.

дир. Ценур ташқи томондан тиниқ парда билан ўралган. Бу пардага қаралганида суюқлиқ ва унда сузиб юрган цестода бошчалари кўриниб туради. Ценурнинг ич томонида муртак пардаси бўлиб, унга 100 дан 600 гача цестода бошчалари — сколекслар ёпишиб туради.

Баъзан ценурознинг баъзи хиллари қўй ва эчкиларнинг мускуллари орасида ёки тери ости ёғ қаватида жойлашади.

Ўзбекистонда қўзи ва улоқларга ценуроз касаллиги фақат итлардан ўтади. Итларнинг ичагига бу паразитлар ценуроз касаллигидан нобуд бўлган молларнинг миясини еганда ўтади. Итнинг ингичка ичагида 41—73 кундан сўнг узун лентасимон қуртлар пайдо бўлади. Ит ичагидаги цестодалар мультисцепс деб аталади. Бу цестодалар ит ичагидан ташқи муҳитга ўз ичида минглаб тухуми бўлган онкосфераларни (5-расм) чиқаради. Ёш қўй ва эчкилар ўт ёки сув билан онкосферани ҳам қўшиб ютадилар. Онкосфералар ичак деворини тешиб ўтиб, қон томирнинг ичига кириб олиб, томир бўйлаб мияга борадилар.

Қўй ва эчкиларда учрайдиган ценуроз касаллиги уч даврга бўлинади: биринчи давр паразит организмга киргандан сўнг 10—14 кундан кейин бошланади. Бу даврда

паразитнинг ёш муртаги мия тўқимасини яллиглантиради. Одатда ҳайвон организмга бир ёки бир неча онкосфера киради. Бу онкосфералар миянинг кичиккина ерини яллиглантиради. Шунинг учун ҳам ташқаридан қараганда касалланган молнинг аҳволи сезиларли ўзгармайди.

Қасалликнинг биринчи даври касалланган ҳайвонларнинг бешдан биридагина сезиларли ўтади. Марказий нерв системаси турли даражада зарарланади. Бу даврда касалликнинг ташқи белгилари қўйидагилардан



5-расм. Ит ичагидан олинган мультицепс.

иборат: молнинг силласи қуриб, юрганда гандираклайди, подадан орқада қолиб кетади, иштаҳаси йўқолади. Баъзан ҳайвон безовталанади, сал нарсадан қўрқадиган бўлиб қолади, кераксиз ҳаракат қила бошлайди ёки бир ерда қимирламай тураверади, турган ерида айланверади, кўпинча қоқилади, йиқилади, танасининг томири тортишади, титрайди.

Одатда бундай белгилар бир-икки ҳафта давом этади. Баъзан, йигирма касал қўйнинг бирида, касаллик шу даврнинг ўзидаёқ оғирлашиб ўлимга олиб келади. Кўпинча касалликнинг биринчи даври сезилмасдан ўтиб, мол ташқаридан қараганда соғайиб кетгандай туюлиши мумкин. Бу даврда паразит, мия тўқимасининг ичига кириб, секин-аста, қўйнинг соғлиғини ўзгартмасдан ўса беради.

Қасалликнинг иккинчи даврида ценур пуфакчаси ўса боради. Бу давр 3—6 ой давом этади. Қўй бу даврда соғ кўринади. Баъзан, айниқса, қўй зич жойлашган, ҳавоси исиб кетган хонада бўлса, бир оз эсини йўқотади. Очиқ ҳавога чиқиш билан қўй яна аввалги ҳолига қайтади.

Учинчи даврда ценур пуфаги ўса бориб мия тўқимасини емиради. Бу давр бир ойдан бир неча ойгача давом этиб мол ҳаддан ташқари озиб охири ўлади.

Учинчи даврнинг бошида қўй қисқа вақт безовталаниб ҳаракат қилса, касаллик кучая борган сари бу ҳаракатлар кўпайиб, узоқ вақт давом этади. Қасал қўй айланиб юраверади, олдинга, орқага интилавериб, бирор нарсага тегиб, ҳолдан кетиб йиқилмагунча ҳаракат қилаверади. Безовталаниш ораларида эса қўй деворга, охурга ёки бошқа бирор нарсага суяниб бошини пастга қилиб туради ёки ётади.

Учинчи даврнинг бошланишида молнинг озиққа иштаҳаси бўлмайди, кейинроқ мол бутунлай овқат емай қўяди. Ценур пуфаклари мия ярим шарларининг ташқи юзларига яқин жойлашса, у пуфакчалар калла суягининг шу ерига қаттиқ босим билан таъсир этиб, суякни юқалаштириши, ҳатто уни тешиб юбориши ҳам мумкин. Бундай ҳолда бош миянинг мана шу ери фақат мускул ва тери билан ёпилган бўлади, уни қўл билан ушлаб бишиш мумкин. Қўйнинг миеси қўл билан босилганида ҳайвон инграйди, йиқилади ва титроқ бошланади. Касаллик белгилари сезила бошланганидан 4—8 ҳафта ўтгач касал қўй нобуд бўлади.

**Гидатиген цистицеркози.** Бу касалликни цестодаларнинг личинкалари — ингичка бўйинли ёки гидатиген цистицеркалар келтириб чиқаради. Бу личинкалар қўй ва эчкиларнинг ичак тутқичларида ёки чарвисиде жойлашадилар. Личинкалар катталиги ёнғоқдек келадиган тиниқ пуфакчалар шаклида бўлади.

Қўй ва эчкиларга бу касалликни ўз ичида етилган лента формасидаги гидатиген цестодицепняси бўлган итлар юқтирадилар. Итлар бу касалликни, касалланган қўй ва эчкиларнинг чарвисини, ичак тутқичларини ёки бирорта бошқа касалланган органини еб ўзларига юқтирадилар. Итларнинг ахлатлари билан цистицеркознинг онкосфералари (тухум билан тўлган аъзочалари) ташқарига чиқади. Қўйлар бу онкосфераларни овқат ёки сув билан ютиб юбориб касалга чалинадилар. Онкосфера ингичка ичакда ўз пардаларидан ажралиб чиқади, ичак девори орқали қон томирларига ўтиб, қон билан жигарга боради. Бу ерда онкосфера ўсиб тараққий этади. Сўнг жигарнинг ташқи пардасига яқинлашиб, у пардани тешиб қорин бўшлиғига ўтади. Улар чарви ёки ичак тутқичига ёпишиб олиб, яна ривожланаверади.

Цистицеркоз касаллиги қўйларда икки формада— ўткир ва сурункали формаларда ўтади. Ўткир даври паразитларнинг жигар ичида юриб, жигардан қорин бўшлиғига ўтиш даврига тўғри келади. Баъзан паразитлар жуда кўпайганда мол ҳалок бўлади. Гидатиген цистицеркозини даволаш усули ҳали топилмаган.

## ЛАРВАЛЬ ЦЕСТОДОЗЛАРНИ ТУГАТИШ ЧОРАЛАРИ

Ларваль цестодозларга қарши курашни чорвачилик хўжаликларидида ветеринария, санитария ҳамда даволаш, профилактика ишларини уюштириш йўли билан олиб борилади. Бу соҳада қилинадиган ишлар қуйидагилар:

Хўжаликларда ветсанблокни ташкил қилиш ва унинг ишини яхши йўлга қўйиш;

мол сўядиган жойлар қуриш ва хонадонларда якка тартибда мол сўйилишига қарши кураш;

даволаш-профилактика пунктларини ташкил қилиш;

гўштга топшириш даврида моллар терисининг орасига маълум суюқлиқ юборилиб эхинококк касаллиги борлиги аниқланганда, эхинококк билан оғриган қари моллар мунтазам бракка чиқарилади;

ценуроз билан оғриган қўйларни мунтазам равишда текшириб аниқлаш;

хўжалик территориясидаги итларни рўйхатга олиб, вақт-вақти билан текшириб туриш, дайди итларни ўлдириш, хўжалик учун керак бўлган итларни гижжага қарши даволаш;

чорвадорларга ларваль цестодозлар ҳақида ветеринария ва медицина билимларини тушунтириш.

Ўзбекистондаги барча чорвачилик хўжаликларини тезда ветеринария-санитария талабларига жавоб берадиган қилиб қайта қуриш. Ҳозир ҳар бир ферманинг ўзида ветсанблок қуриш шарт бўлиб қолди. Ветсанблок қуйидагилардан ташкил топади:

даволаш ва профилактика пунктлари (стационарлар);

ҳаром ўлган моллар ёриб кўрилгунча сақланадиган хона;

яхши жиҳозланган ўлик ёрадиган хона;



Ўлик моллар ва уларнинг айрим органларини зарарсизлантириладиган махсус установка.

Даволаш ва профилактика пунктлари (стационарлар) ветеринария шифохоналари қошида, фермадаги ветеринария пунктларида, ветеринария участкаларида уюштирилади. Даволаш ва профилактика пунктларида ветеринария томонидан кузатиб туриш, даволаш, яхшилаб озиклантириш мақсадида ҳамма касал қўйлар, шулар орасида ценуроз ва эхинококкоз касаллигига чалинган қўйлар алоҳида даволанади.

Мол сўядиган майдонча, ўлик моллар ёриладиган майдонлар, типовой проект асосида қурилишлари шарт. Улимтикни ёндириш учун чуқурлиги 4 м дан кам бўлмаган, уст томонида қопқоғи бўлган ўралардан вақтинча фойдаланиш мумкин.

Хўжаликнинг аҳволига қараб ўликни ёндирадиган ёки қайнатиб оладиган установкаларни қуриш мақсадга мувофиқдир. Молларни подада сўйиш мутлақо ман этилади. Мажбуран сўйилган мол тезда ветсанблокка етказилиши керак. Молларни фақат махсус ерда ёки ветсанблокдагина ёриш мумкин.

Ҳар бир колхоз ва совхозда мол сўядиган пунктлар қурилган бўлиши лозим. Шароит тақозо этганда мол сўядиган пунктни (бир неча хўжалик учун) бирлаштириш мумкин. Мол фақат ветеринария ходими иштирокида ва назорати остида сўйилиши керак.

Ценуроз касаллигининг клиник белгилари пайдо бўлган қўй ва эчкилар подадан ажратилиб даволаш-профилактика пунктларига юборилиши шарт. Бу пунктларда ценуроз касаллигини аниқлаш учун аллегрик пробалар қўйилиб, касаллик белгилари пайдо бўлган моллар ҳам тўпланади. Ветеринария мутахассислари ценуроз касаллиги борлигини аниқлаганларида, касал молларни мол сўйиш пунктларига жўнатадилар. Хўжаликни эхинококкоз касаллигидан тезроқ қутқариш мақсадида ёши 5—6 га етган ва ундан катта қўйлар терисининг орасига махсус суюқлиқ юбориб, аллерген проба қўйилади. Касаллик белгиси пайдо бўлган қўйлар биринчи навбатда гўштга топширилади. Бунинг учун умумий хўжалик масштабида бирорта қаршилик бўлмаслиги шарт. Тери орасига махсус суюқлиқ юбориш йўли билан қўйиладиган аллерген пробани кузда қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ҳолда эхинококкоз билан касал-

ланган қўйлар борлиги аниқланганида улар кузда див-латга гўштга топширилади. Чунки, биринчидан, қўйлар мол боқиш учун қийин ҳисобланган қиш ил эрта баҳорда озиб кетади, касаллик уларда оғир ўтади; иккин-дан, ҳолдан тойган, озган қўйларда аллерген проба ка-саллик борлигини кўрсатмаслиги мумкин.

Эхинококкозга чалинган молларни аниқлаш билан бир вақтда дайди итларни ўлдириб, керакли итларни гижжа касаллигига қарши даволаш шарт.

Хўжаликда ценуруз касаллигига учраган қўйларни мунтазам равишда аниқлаш йўли билан қуйидагиларга эришиш мумкин:

1) ценуруз касаллигига учраган қўйларнинг кўпини даволаш — профилактика пунктларига тўплаб итларга касаллик юқишини камайтириш;

2) ценуруз билан касалланган қўйларни бевосита кузата бориб, лозим бўлганда доим гўштга топши-риш;

3) қўйларни боқиш учун яхши шаронт яратиб, улар-ни анча семизлик вақтида гўштга топшириш;

4) ценуруз билан касалланган қўйлар соғломларидан ўз вақтида ажратилганда хўжаликда бу касаллик тез-ликда тугатилиши мумкин.

Қари, эхинококкоз билан касалланган қўйлар мунта-зам ажратилиб кушхоналарга ўз вақтида жўнатиб ту-рилганда хўжаликдаги моллар қиш ва эрта баҳорда камроқ нобуд бўлади. Бунинг натижасида бу касаллик-нинг итларга юқиши бирмунча чекланади. Кузда касал қўйларни анча семиз ҳолда гўштга топшириш фойдали-дир. Бу усул билан хўжаликда эхинококкоз касаллиги-ни тугатиш тезлашади.

## ИТ БОҚИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Итлар фақатгина ценуруз, эхинококкоз касалликла-ринигина эмас, балки қутуриш, бруцеллёз, сил ва шу каби бошқа касалликларни юқтиришда ҳам катта роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам итларни тўғри ва керакли шароитда боқиш кўп касалликларни тугатишда асосий ва баъзан ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Хўжаликдаги итлар ҳам, хонадонлардаги итлар ҳам рўйхатдан ўтказилган, паспортли, шу билан бирга уларга махсус номер берилади.

Чўпон, подачиларнинг итлари ҳамда подага хизмат қиладиган итлар хўжалик ихтиёрига олиниб маълум нормада озиқ билан таъминланадилар. Бу озиқни итларга пишириб бериш учун чўпонлар ҳамда подачиларга махсус идиш берилади.

Ташқаридан хўжаликка ценуроз, эхинококкоз ва бошқа касалликлар киришининг олдини олиш мақсадида рўйхатдан ўтказилмаган, гижжа касаллигига қарши даволанмаган бегона итларни хўжаликка киритиш қатъиян ман қилинади. Ҳар бир подада фақатгина битта ит бўлиши мумкин. Барча итлар, кимники эканлигидан қатъи назар рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтмаган, паспорти ва бўйнида номерли белгиси бўлмаган итлар эгасиз ҳисобланиб, йўқотиб юборилиши лозим. Рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигидан қатъи назар, бойлиқда турмай эркин юрган итлар ҳам (эгалари бир марта огоҳлантирилганидан кейин) йиғиб олиниб ўлдирилиши керак. Подачи ва чўпонларнинг подани қўриқлайдиган итлари ҳамда қимматли ов итлари бундан мустаснодир.

Итларни ҳар гал гижжага қарши даволаганда улар рўйхатга олиниб, ошиқчалари ва дайди итлар қириб ташланади.

Биринчи навбатда итларнинг кўп туғилишининг олдини олиш мақсадида ургочи итлар билан бирга ит болалари ҳам қириб ташланади.

Чунки, у итлар эхинококкоз касаллигига тез чалинадилар ва бу касалликни бошқаларга тез юқтирадилар.

Итларга озиқ тариқасида қўй, эчки, қорамол, туя, чўчқаларнинг бошларини, текширилмаган хом ички органларини бериш қатъиян ман қилинади.

Итларни мол турадиган хоналарга, ем сақланадиган омборларга киритиш мутлақо мумкин эмас.

Итларнинг гижжа касаллиги. Ларваль цестодозларни йўқотишдаги муҳим чоралардан бири гижжа — цестода бўғинларини ахлат билан чиқарадиган итларни гижжа касаллигига қарши даволашдан иборат.

Итларда гижжа касаллигини йўқотиш учун ареколиннинг водород бромид эритмасидан фойдаланилади: Бунинг учун қуйидаги уч усулни қўлланиш мумкин:

1) ареколин беришдан аввал ит 18—24 соат давомида оч қўйилади;

2) ареколин беришдан аввал тери остига карбохолин юбориб ичак бўшатилади;

3) итни оч қўймасдан ҳар олти соатда икки марта ареколин ичирилади.

Ит оч қўйилганидан кейин унинг ҳар килограмм вази ҳисобига сутга, шўрвага ёки гўштга 4 миллиграмдан ареколин аралаштириб берилади. Катта итларнинг ҳар бирига 0,1—0,12 грамм ареколин ичирилади. Баъзан итга ареколинни мажбуран ичиришга тўғри келади. Итнинг эгаси ўз итининг оғзини очиб ушлаб туради, ветеринария ходими игнасиз шприц ёки пробирка ёрдамида ареколин эритмасини иложи борича оғзининг ичкарасига қуяди. Шу мақсадда ареколиннинг 50% ли эритмасини ишлатиш анча қулайдир. Масалан, 0,1 грамм ареколин 2 миллилитр эритмага аралаштириб юборилади.

Ареколин ишлатилганда сурги берилмайди, 40 минутдан сўнг ичак ҳаракатга келиб гижжа цестодлари чиқа бошлайди. Баъзан бу ҳолат 2—3 соатдан сўнг бошланиши мумкин. С. Г. Степанян методи бўйича ареколин ичиришдан аввал карбохолин юбориб цестодаларни ҳайдаб чиқариш анча қулайдир. Бу усулда итга ареколин ичиришдан аввал уни маълум вақт оч тутиш шарт эмас, чунки карбохолиннинг ўзи ичакни бўшатади. Бу усул қуйидагича ўтказилади: район ветеринария шифохонасида карбохолиннинг 0,4% ли эритмаси тайёрланади (100 миллилитр дистилланган ёки қайнаган сувда 0,04 грамм карбохолин эритилади). Эритма қуйида кўрсатилган миқдорда тери остига юборилади:

6—10 кг	лик итларга	0,6—0,8	миллилитр
11—20 кг	«—»	0,9—1,5	«—»
21—30 кг	«—»	1,6—2,0	«—»

Итни заҳарламаслик учун карбохолиннинг миқдorigа аҳамият бериш керак. Карбохолин ичирилганидан икки соат кейин ареколин ичирилади. Орадан ярим — бир соат ўтгач цестодалар чиқа бошлайди.

Итни оч қўймасдан олти соат оралатиб икки марта қуйидаги тартибда ареколин берилади: гижжа ҳайдайдиган пунктга келтирилган итга 1—2 миллилитр сувда эритилган 0,1 грамм ареколин мажбуран ичирилади (бу дори 25 кг лик итга мўлжалланган). Бу дори — сурги сифатида, ошқозон-ичак йўлини тозалайди. Орадан олти



соат ўтгач, биринчи марта берилганидан сўнг ахлатида цестодалар кўринган итга юқоридаги миқдорда ареколин қайтадан ичирилади.

Гижжаси тушириладиган итлар 20—25 тадан группаларга бўлинади. Йўл, ариқлардан чеккароқда бир ернинг ўтлари тозаланиб итлар белгиланган вақтда шу жойга келтирилади. Сўнгра улар ерга маҳкам қоқилган қозиқларга занжири билан боғланиб қўйилади.

Гижжа туширилганда чиққан цестодаларнинг онкофералари узоқ вақт тирик қоладилар. Шунинг учун гижжа туширилганда чиққан ахлат цестодалар билан биргаликда йўқ қилиниши лозим. Шу мақсадда гижжалар тўкилган ернинг устки қавати куйдириб ёки қириб олиб кўмиб ташланади.

Хўжаликда гижжа касаллигини бутунлай йўқотиш учун қисқа вақт ичида барча итларнинг гижжасини тушириш (дегельминтизация) лозим. Рўйхатдан ўтмаган итлар ҳисобга олинади ёки йўқ қилинади.

**Гижжаси туширилган итларни қайта текшириш.** Барча итларнинг гижжаси туширилгани, бу ишни сифатли ўтгани ҳамда итларга касал молларнинг боши ва бошқа аъзолари берилмаётганини вақт-вақти билан текшириб туриш шарт. Шунинг учун итларнинг гижжаси қайта туширилади.

Гижжаси қайта тушириладиган итлар юқори ташкилотлардаги ветеринария мутахассислари томонидан, планли равишда, гижжа туширилганидан сўнг 10—20 кун ичида, ҳар бир хўжаликдан 15—20 та ит танлаб олиниб улар текшириб кўрилади.

Агар гижжа туширилмай қалбаки акт тузилган, гижжа ҳайдаш сифатсиз ўтказилган, хўжаликдаги барча итларда гижжа туширилмаган бўлса тегишли чора кўрилади. Бу ҳақда юқори ветеринария ташкилотларига тезда хабар берилади.

#### **ЦЕНУРОЗ ВА ЭХИНОКОККОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ОФРИГАН МОЛЛАРНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ**

Ҳар бир пункт, хўжалик, район ёки областда ценуроз ва эхинококкоз касалликлари қай даражада тарқалганлигини ҳамда даволаш натижаларини билиш учун ҳисоб-китобни тўғри юритиш лозим. Бунда касаллик

қандай даражада тарқалгани, қанча мол нобуд бўладигани қайд қилиниши керак.

Бошқа сабаблардан (алиментар дистрофия ва ҳ.к.) моллар нобуд бўлганда «ценуроз», «эхинококкоз» деб қалбаки акт тузилиб, хўжаликларда бу касалликлар сонини сунъий равишда кўпайтиришга мутлақо чек қўйиш лозим. Иккинчи томондан ценуроз касаллигига учраган молларнинг сонини яширишнинг ҳам оқибати яхши бўлмаслиги мумкин. Ҳисоб берганда кушхонага топширилган моллар ичида ҳам, хонадонларда сўйилган моллар ичида ҳам ценуроз касаллиги бўлган ҳоллар аниқ кўрсатилиши шарт, молларнинг ценуроз касаллигидан нобуд бўлишига мутлақо йўл қўймаслик керак.

Эхинококкоз касаллиги ҳақида ҳам тўғри ахборот берилиши керак. Бирор мол ўлганида унинг айрим органларининг баъзиларида бирорта эхинококк пуфакчалари кўрилганда ўлим сабаби деб шу эхинококкоз касаллигини кўрсатиш ярамайди. Одатда эхинококк касаллигидан молнинг бир неча органлари касалланганидагина у ўлади. Бундай ҳолда жигар, ўпка бутунлай эхинококк пуфакчалари билан қопланган ёки бу пуфакчалар йиринглаган бўлади. Шундай моллар ёмон боқилса (қиш ва эрта баҳорда) эхинококкоз касаллигидан нобуд бўлиши мумкин.

Ветеринария ходимлари хўжаликдаги моллар ичида тарқалган касаллик ва кушхонага юборилганларининг қанчаси брак эканлигини яхши билишлари шарт. Шунинг учун ҳам молларни кушхонага топшириш вақтида ветеринария ходимининг иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Ветеринария ходими кушхонадан олинадиган брак сабаблари билан чекланиб қолмасдан мол сўйилаётган вақтда иштирок этиши лозим. Бунда у браkning сабаблари унинг миқдори ва молни озишга олиб келган сабаблар билан яқиндан танишади. Молнинг қайси касалликдан (ценурозданми, эхинококкоз ёки финнозданми) озганини аниқлайди, мол танасининг қанча қисми брак қилинганлиги, супродуктлар миқдори билан танишади. Моллар орасида бирор касаллик тарқалган тақдирда бу ҳақда ветеринария мутахассиси хўжалик раҳбарларига, лозим бўлганда соғлиқни сақлаш органларига (финноз бўлганда) хабар бериб, тегишли чора кўриши керак.

Эхинококкоз ва финноз касалликларини мол сўйилгандан сўнг ёки ҳаёт вақтида тери орасига маълум суюқлиқни юбориб (аллерген проба) аниқлаш мумкин.

Чорва моллари орасида ценуроз касаллиги борлиги аниқланган пункт хавfli ҳисобланади. Лозим бўлган даволаш-профилактика ишлари ўтказилгандан сўнг бир йил давомида ценуроз касаллиги учрамаса бу пункт бехатар ҳисобланади.

Мол сўйиб кўрилганда эхинококк касаллиги топилган хўжалик хавfli хўжалик ҳисобланади. Даволаш-профилактика ишлари ўтказилгач 200 тадан кам бўлмаган қўй ёки 100 тадан кам бўлмаган бошқа моллар сўйиб кўрилганда айрим органларида эхинококк пуфакчалари топилмаса хўжалик хавфсиз ҳисобланади. Хавф йўқ эканлигини тасдиқлаш учун турли фермалардаги молларни (аллерген проба қўйиб) текшириб кўриш лозим. Бир вақтнинг ўзида 20 тадан кам бўлмаган итлар қайта текширилганда эхинококк паразитлари топилмаган бўлиши керак.

## КОНТРОЛЬ

Ценуроз ва эхинококкоз касалликларини тугатиш мақсадида кўриладиган барча чоралар раҳбарлар ва юқори ташкилотдаги ветеринария мутахассислари томонидан текширилиб туриши лозим. Текширилганда қуйидагиларга аҳамият берилиши керак:

1. хўжаликнинг хавfli ёки хавфсизлигига;
2. ценуроз билан оғриган қўйларни подадан ўз вақтида ажратиб кушхона ёки бошқа мол сўйиладиган пунктларга ўз оғирлигини йўқотмасдан етказилиши ҳамда қари, эхинококкоз билан касалланган молларни ўз вақтида брак қилинишига;
3. барча итлар рўйхатдан ўтказилиб, бўйнига номерли белгилар осилганлигига;
4. эгасиз, дайди итларни ҳамда рухсат этилгандан ошиқчаларини ўз вақтида йўқотишга;
5. Итларнинг гижжасини ўз вақтида ва тўғри туширилишига (контроль, дегельминтизация ўтказиш йўли билан);
6. ўлган молларни, уларнинг касаллик тарқатадиган органларини йўқотиш учун керакли миқдорда ва керакли ерда ветсанблок қурилиши лозим.

7. мол сўйиш учун махсус жой ажратилганлигига ва мол фақат шу ерда сўйилишига. Контроль дегельминтизация ўтказилганда, цестодаларнинг чиқиши дегельминтизация ўтказилмагани ёки ёмон ўтказилганидан ёки гижжа туширилгандан сўнг итлар гижжа билан касалланган молларга яқинлашганлигидан дарак беради.

Итларнинг гижжа билан қай даражада касалланганлигини аниқлаш учун дегельминтизация ўтказилганда уларнинг ахлатини текшириш лозим. Катта цестодалар (мияга ўтувчи цепнилар ва цистицеркозни қўзғовчи паразитлар) ахлатда махсус ишланмаса ҳам кўринаверади. Эхинококкларни аниқлаш учун ахлат сувда ювилади. Қюветканинг қора фоиида оддий кўз билан 4—8 мм узунликдаги эхинококк цестодаларини кўриш мумкин.

Кўрилаётган чоралар сифатли ўтказилган бўлса, моллар орасида касаллик камаяди ёки бутунлай йўқолади. Моллар бу касалликлардан нобуд бўлмайди. Шунинг учун ҳам ветеринария ҳисоботи мунтазам равишда талабчанлик билан текширилиб туриши керак.

Гижжа касалликларининг бир хўжаликдан иккинчи хўжаликка ўтиши ёки ўтмаётганлигини мол сўядиган пунктларда, кушхоналарда сўйилаётган моллардаги касалликларни ўрганиш йўли билан аниқлаш ҳам мумкин. Олинган маълумотларга асосланиб ветеринария ташкилотлари жойларда тегишли чоралар кўриш ҳақида кўрсатма беради ва уларнинг бажарилишини текшириб туради.

### **ВЕТЕРИНАРИЯ БИЛИМЛАРИНИ ОММАЛАШТИРИШ**

Ценуроз ва эхинококкоз касалликлари молларнинг биридан иккинчисига ўтиши кўпинча чўпонлар, чорвадорлар ва аҳолининг бу касалликлар ҳақида етарли даражада махсус маълумотга эга бўлмаганликлари натижасида келиб чиқади. Шунинг учун ҳам бу касалликлар, уларнинг тарқалиш йўллари ҳамда моҳияти ҳақида тўхталиб ўтишнинг аҳамияти каттадир.

Чўпонлар, чорвадорлар орасида доимо суҳбат ва лекциялар ўтказиб турилиши лозим. Шу мақсадда радиодан ва бошқа оммалаштириш воситаларидан фойдаланиш лозим. Айниқса итларнинг гижжаси туширилаётган-



да, нобуд бўлган молларни ёриб кўриш вақтида, ит, қўй ва бошқа молларнинг ичидан чиққан паразитларни кўрсатиш кишиларда катта таассурот қолдиради.

### ҚҰЙ ВА ЭЧКИЛАРДА УЧРАЙДИГАН АНОПЛОЦЕФАЛЯТОЗ КАСАЛЛИКЛАРИ

Аноплоцефалётоз — қўй ва бошқа ҳайвонларнинг ингичка ичагида паразит ҳолида яшайдиган, цестодалар чақирадиган гижжа касаллигидир. Бу касаллик Ўзбекистондаги қўйларнинг ўрта ҳисобда 21% тида учрайди. Аноплоцефалётоз қўйчиликда катта иқтисодий зарар келтиради. Бу касалликка учраган қоракўл қўйлар сўйилганда улардан гўшт 9 кг, жун 10% кам олинади. Бундан ташқари қоракўлнинг сифати жуда пасайиб кетади.

Бу касаллик юққан қўй ва эчкилар яйловга паразитнинг тухумларини тарқатади. Биология фани аноплоцефалётоз паразитининг туркумидан фақат биринигина — мониезийни ўрганган. Мониезий тухумларини яйловда орибатид канаси ютади. Бу кана паразит учун оралиқ хўжайин вазифасини ўтайди. Мониезийнинг личинкаси орибатид канасининг танасида тараққий этади. Қўй ва эчкилар бу каналарни ютиб юбориб аноплоцефалётоз касаллигини юқтирадилар. Бундай қўй ва эчкиларнинг иштаҳаси йўқолади, тез-тез чанқаб туради, ичи кета бошлайди, ахлат билан мониезийнинг бўғинлари ёки айрим қисмлари ташқарига чиқа бошлайди. Мониезиоз билан касалланган моллар кўпинча ётадилар ва ўрнидан зўрға туради.

Махсус гельминтологик текшириб аноплоцефалётоз касаллик ҳақида диагноз қўйилади. Ичак цестодози аноплоцефалётоз касаллигига учраган моллар қуйидаги химиявий дорилар билан даволанадилар. Мис купороси (тўтиё), мишякли қалайи, аминокрихин, кальций арсенати, мис карбонат ангидриди, йомезан, фенасал.

Ичак цестодозини даволаш учун мис купоросининг 1—2% ли эритмаси ишлатилади. Бу эритма қуйидагича тайёрланади: Шиша ёки ёғоч идишда юмшоқ сув (ёмғир, қор ёки ариқ суви) олинади. Сувни юмшатиш учун бир литр сувга 2—3 миллилитр хлор кислотаси қўшилади. Бир литр сувга 10—20 грамм яхши майдаланган мис купороси порошоги сепилади. Эритма тиниқ ҳаво ранг бўлиши ва қуйқаланмаган бўлиши лозим. Эритма лойқа,

унда майда нарсалар сузиб юрган бўлса яна хлорид кислотаси қўшилади. Хлорид кислотасининг миқдори бир литр сувга 4 миллилитрдан ошмаслиги керак. Лойқа эритма ишлатилмайди.

Ичак цестодози билан касалланган қўйларни даволашда яхши натижага эришиш учун мис купороси эритмасини тўғридан-тўғри қўйнинг ширдонига юбориш лозим. Даволашга бошладан олдин 18—24 соат ичида қўйга сув берилмайди, фақат дори юборишдан олдин овқат бериш керак. Эритма воронкадан резинка най ёрдамида қўйилади. Шу мақсадда учига резинка най кийгизилган Жане шприцидан фойдаланиш ҳам мумкин. Шишадан эритмани молга ичириш тавсия этилмайди. Чунки бунда эритма ширдонга эмас, балки ширдон чегарасидаги чандиққа, баъзан ўпкага қўйилиши мумкин. Мис купороси эритмасини юбораётганда мол калласини тўғри тутиш керак, акс ҳолда мол дорини юта олмайди. Молнинг ёши, вазни, эритманинг қуюқ ёки суюқлигига қараб 1%—100 миллилитргача мис купороси эритмасини юбориш мумкин. 1,5 ойли қўзига 10—20 миллилитр, катта ёшли қўйларга 80—100 миллилитр эритма юборилади. Мис купороси яхши таъсир кўрсатиши учун у эритмадан сўнг глаубер тузи (2 литр иссиқ сувда 1 кг тузни эритиб) эритмаси юборилади. Қўзиларга 30—80 миллиграмм, қўйларга 100—200 миллиграмм глаубер тузи эритмаси юборилади.

Ўзбекистон шароитида қўйларнинг аноптоцефалитоз касаллигига қарши қўйидаги муддатларда профилактик дегельминтизация ўтказиш тавсия қилинади. Суғориладиган, тоғ ва тоғ олди зоналарида биринчи профилактик дегельминтизацияни барча қўйларда май ойида — баҳорги жун қирқишдан кейин, ёзги яйловга чиқаришдан аввал ўтказиш лозим. Иккинчи профилактик дегельминтизацияни августда ёки сентябрь ойининг бошларида ўтказиш керак. Бу зоналарда декабрь ойида қўйларни танлаб олиб ичак цестодаларга текширилади. Агар бу цестодалар топилса январь ойида яна дегельминтизация ўтказилади.

Сахро яйловларида янги туғилган қўзилардан бошқа барча қўйларда профилактик дегельминтизацияни апрель ойида ўтказиш керак. Май ойида эса шу йил туғилган қўзиларда ўтказилади. Иккинчи профилактик дегельминтизацияни барча қўйларда сентябрь ойида ўт-

қазиш лозим. Бу зонада декабрь ойида анопцефалейтоз паразитлари бор ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида қўйлар яна бир бор текширилади.

Ичак цестодозларининг химиявий профилактикасини қўйидаги дори аралашмалари билан ўтказиш анча қулайдир: фенотиазин, мис купороси ва ош тузи. Бу аралашмага аммоний молибденли нордон тузи қўшилади. Бу фенотиазин ва мис купороси тузлари аралашмасини молларга едириш чўпонларга юкланади. Гижжага қарши бу аралашма қўй ва эчкиларда учрайдиган бошқа гижжа касалликларда ҳам яхши натижа беради. Шунинг учун бу аралашма ҳақида қўйида, қўй ва эчкиларда учрайдиган трихостронгилидоз касаллиги ҳақида тўхталганда яна гап юритилади.

### ҚҰЙ ВА ЭЧКИЛАРДА УЧРАЙДИГАН ТРЕМАТОДОЗЛАР

Қўй ва эчкиларда учрайдиган фасциолез касаллиги. Бу касалликни оддий ва йирик фасциола деб юритиладиган трематодалар чақиради. Бу касалликни келтириб чиқарувчи паразитларнинг етишган формалари қўй ва эчкиларнинг ўт йўлларида яшайди. Фасциолез билан касалланган молларнинг ахлати билан ташқарига паразитнинг тухумлари жуда кўп чиқади. Ташқи муҳит шароити яхши бўлганида 10—25 кундан сўнг тухумдан муртак — мирацидий етишиб чиқади. Мирацидийларнинг кейинги тараққиёти учун оралиқ хўжайин вазифасини чучук сувда яшовчи моллюскалар бажаради. Терисидаги туклари ёрдамида мирацидий сувда сузиб юради. Моллюскани учратиб унинг ичига кириб олади. Ўз терисини ташлаб мирацидий тараққий этиб спороцистага айланади. Спороциста ичида паразитнинг кейинги босқичи — редиялар тараққий эта бошлайди. Ҳар бир редиядан яна кейинги босқич редиялар ҳосил бўла боради. Секин-аста редиялардан церкарий ҳосил бўлади. Сўнгра церкарийлар моллюска танасини ташлаб чиқиб бир неча соатдан сўнг адолескарийларга айланадилар: адолескарийлар фасциоланинг муртаги ҳисобланадилар, буларни ютиб юборган ҳайвон фасциолез касаллигига дучор бўлади.

Фасциолез билан касалланган мол оза боради, қуввати кетади. Жуни қуриб, тўкила бошлайди. Жағ остида,

кўкрагида, қорнида шишлар пайдо бўлади. Махсус текшириб кўрилганда фасциола тухумлари топилади. Бу касалликнинг диагнози фасциолез деган хулосага келилади. Фанда фасциолез касаллигига қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган. Бу чоралар қуйидагилардан иборат:

Фасциолаларнинг оралиқ хўжайинлари — моллюскалар урчийдиган ботқоқликларни йўқотиш;

моллюскаларни химиявий моддалар ёрдамида қириб ташлаш;

яйловлардан тўғри фойдаланиш;

химиявий дорилар ёрдамида фасциолаларни қўй ва бошқа моллар организмидан йўқотиш (дегельминтизация).

Бизнинг мамлакатимизда ботқоқликларни тугатиш мақсадида жуда кўп ишлар қилинмоқда. Катта ботқоқликларни тугатиш соҳасидаги бу ишни гидромелиорация ташкилотлари олиб борадилар. Чорвадор хўжаликлар ҳам ўз кучлари билан кераксиз сув тўпланадиган чуқурликларни кўмиб, кўлмак сув тўпланадиган ерларни қуритиб, моллар сув ичадиган ерларда, булоқлар атрофида сув тўпланишига йўл қўймасликлари керак. Сув тўпланиб қолганида унинг йўлини очиб, тушириб юбориш керак.

Моллюскаларни химиявий моддалар ёрдамида ўлдиришнинг аҳамияти каттадир. Шу мақсадда кўлмак сувлар мис купоросининг 1 : 5000 нисбатдаги эритмаси билан дориланади (бу ҳисоб бутун сув ҳажмига нисбатан олинади). Ботқоқ ерларни оҳак сув билан дорилаш ҳам мумкин. Бунда гектарига 1300—1500 кг оҳак суви сепилади. Кейинги йилларда яйлов ҳамда майда ҳовузлардаги моллюскаларни химиявий ўғитлар — аммиак селитраси билан йўқотиш мумкин эканлиги аниқланди. Шу мақсадда бир гектар ерга 2—4 центнер ўғит сепилади (0,2—0,4%). Аммиак селитраси ишлатилганда моллюскалар қириб ташланиб, ўт ҳосилини анча ошириш мумкин.

Қўй ва эчкиларнинг фасциолез касаллигини моллюскаларга қарши биологик усулда курашиш йўли билан ҳам йўқотиш мумкин. Бунинг учун сув паррандаларини кўпайтириш лозим. Улар моллюскаларни қириб ташлайдилар. Фасциолез тарқалган баъзи ерларда яйловлардан навбати билан фойдаланилади.



Ўзбекистонда яйловлар етишмагани учун уларни ал-маштириш анча қийин.

Фасциолез касаллиги тарқалганда унга қарши қўйи-даги химиявий препаратлардан фойдаланилади:

Тўртхлорли углерод, гексахлорэтан (фасциолин), ге-тол, гексахлорпарахлорид, фреон 112, филиксан. Бу пре-паратлардан тўртхлорли углерод ва гексахлоран (фас-циолин) кўпроқ ишлатилади.

Тўртхлорли углерод, одатда, шприц ёрдамида тўғри-дан-тўғри чандиққа юборилади. Катта қўйларга 2—3 миллилитр, олти ойликдан бир ёшгача бўлган тўқлилар-га 1 миллилитр юборилади. Углерод тетрахлорид таъси-рида қўйнинг жигаридаги фасциолалар бир неча кун ичида ўладилар. Тўртхлорли углерод организмга юбо-рилганда баъзи ҳайвонларда кальций миқдори камайиб кетади. Бунга қарши ўз вақтида чора кўрилмаса, баъ-зан ҳайвон ўлиши ҳам мумкин. Бунинг олдини олиш мақ-садида қўйларга тўртхлорли углерод юборишдан бир-икки ҳафта илгари таркибида кальций тузи кўп ва серви-тамин озиқлар — нўхат сомони, гўшт-суяк уни, кепак берилади. Шу мақсадда яна кальций глюконат ёки каль-ций хлорид препаратларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Кальций глюконат қўйларнинг мускули орасига юбори-лади, кальций хлориднинг 10% ли эритмаси эса қон томи-рига юборилади. Эритмалар 20 миллилитрдан бир кеча-кундузда 3—4 марта юборилиши керак.

Гексахлорэтан (фасциолин) фасциолез билан касал-ланган молларга эмульсия, суспензия ёки порошок ҳо-лида (молнинг бир килограмм оғирлигига 0,2—0,4 грамм-дан) берилади. Препарат молнинг оғзига бутилкада қў-йилади, қошиқ ёки зонд орқали юборилади.

Фасциолез касаллигига учраган қўй ва эчкиларни де-гельминтизация қилишда уларнинг ёши, ташқи муҳит, йилнинг фасли назарда тутилиши лозим. Суғориладиган зонадаги қўй ва эчкиларда фасциолезга қарши биринчи дегельминтизация апрелда, иккинчиси октябрда; саҳро-яйлов зонасидаги қўй ва эчкиларда биринчи дегельмин-тизация апрелда, иккинчиси декабрда ўтказилиши ке-рак.

Тоғ олди ва тоғли зоналарда уч марта дегельминти-зация ўтказилади: биринчиси апрель-майда, иккинчиси сентябрь-октябрь ва ниҳоят учинчиси декабрь-январь ой-ларида.

Қўй ва эчкиларда учрайдиган дикроцелиоз касаллиги — дикроцелий деб аталадиган трематодалар чақирдиган гижжа касаллигидир. Дикроцелийлар жигарнинг ўт йўллари ва ўт пуфагида паразит ҳолида яшайди. Дикроцелиоз билан касалланган моллардан ташқарига кўп миқдорда паразит тухумлари чиқади. Тухумларнинг кейинги тараққиёти учун оралиқ хўжайин вазифасини қуруқда яшовчи моллюскалар ва чумолилар бажарадилар. Аввал дикроцелий муртаклари моллюскалар организмида 82 кундан 5 ойгача тараққий этадилар. Сўнгра дикроцелий муртаклари моллюска танасини тарк этадилар, уларни чумолилар ейди. Чумолилар танасида 26—62 кундан сўнг муртаклар метацеркарийларга айланади. Мол ўт билан бирга ўз ичида инвазион (туқималар орасидан ўтиб оладиган) метацеркарийлари бўлган чумолиларни ютиб юбориб касалланади.

Дикроцелиоз касаллигига учраган қўйлар озади, натижада уларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетади. Касаллик оғир ўтаётган эчкилар жуда ҳам озиб кетади, кўкраклари шишади, ичи кетади, сути камаяди. Баъзи ҳайвонлар нобуд бўлади. Улар ёриб кўрилганда жигарида минглаб дикроцеллиумлар кўринади.

Бирор ҳайвонда дикроцелиоз борлиги гумон қилинганида, унинг ахлатидан дикроцелий тухумлари қидирилади. Топилган тақдирда диагноз аниқ ҳисобланади. Ахлат гельминтологияда қабул қилинган турли усуллар билан текширилади.

Молларнинг дикроцелиоз касаллигида учрайдиган паразитларни бутунлай қириб ташлайдиган химиявий дори ҳали топилган эмас. Сурьма препарати — фуадин, гетол, хлорофос оз фойда келтириши мумкин.

Организмида дикроцелиум муртаклари бўлган моллюскаларга қарши курашда препарат Д (ўз таркибида порошоксимон органик бирикмали олтингугурт, хлор, натрий) ва калий хлорид яхши натижа беради. Шундай натижага эришиш учун бир квадрат метрга 20 грамм Д препарати, бир квадрат метрга 20—25 грамм калий хлорид сепилиши ҳам мумкин. Химиявий дорилар ёрдамида паразитларнинг қўшимча хўжайини ҳисобланган (иккинчи оралиқ хўжайин) чумолиларга қарши курашиш ҳам мумкин.

Чумолиларга қарши ГХЦГ (гексахлорциклогексан) ёки ГХКТ) гексахлоркроттилтиоциокан) препаратлари-

ни ишлатиш мумкин. Бунинг учун чумолилар инининг кенглиги 50 см, чуқурлиги 25 см очилади ва инга юқорига препаратларнинг бирига керосин аралаштириб қўйилади. Гексахлорциклогексан (ГХЦГ)нинг 5% ли эритмасидан битта инга бир литр қўйилади. Гексахлоркроттилтиоциокат (ГХКТ) эса 2,5% ли эритма сифатида бир инга ярим литрдан сарфланади.

## ҚҰЙ ВА ЭЧКИЛАРДА УЧРАЙДИГАН НЕМАТОДОЗЛАР

Қўй ва эчкиларда учрайдиган трихостронгилидоз — молларнинг овқат ҳазм қилиш органларида паразит ҳолида яшовчи думалоқ гижжаларнинг баъзи хилларидир. Бу паразитлар молнинг ширдониде ёки ичагида яшайди. Ўзбекистонда бир ойликдан катта қўйларнинг деярли ҳаммаси трихостронгилидлар билан озми-кўпми касалланган. Трихостронгилид билан касалланган моллар ташқарига паразитнинг тухумини чиқарадилар. Бу тухумлардан қулай шароитда личинкалар етишиб чиқади. Моллар ўт ёки сув билан трихостронгилиднинг инвазион (тўқималар орасидан ўтиб кета оладиган) личинкаларини ютиб юбориб бу касалликка чалинадилар.

Трихостронгилидоз билан касалланган қўйлар подадан орқада қола бошлайди, бўшашади. Овқат ҳазм қилувчи органларнинг фаолияти бузилади, ичакнинг тез ҳаракат қилиши натижасида молнинг ичи кета бошлайди. Баъзан ич қотиш ҳоллари ҳам бўлади. Модда алмашинувининг бузилиши натижасида молнинг жуни қуриб, дағаллашади, тўкилади. Молнинг иссиғи ошмайди, баъзан, касалликнинг сўнгги даврида бир оз кўтарилиши мумкин. Кўз, лаб, тилнинг шиллиқ пардалари оқаради. Мол оза боради, жағ остида ҳамда кўкрак остида шиш пайдо бўлади. Мол ҳолдан тойиб, оёқда зўрға турадиган бўлиб қолади. Баъзан қўй киши ёрдамисиз ўрнидан туролмайди. Мол ҳаддан ташқари озиб кетади, ҳушини йўқотади ва ниҳоят (бу ҳол қаттиқ уйқуда ётган молни эслатади) ўлади.

Трихостронгилид паразити деярли барча қўйларда учраганлиги учун иложи борича бу касалликни енгил ўтказишга ҳаракат қилинади. Баъзан бу касалликдан бутунлай тузалиб кетиш ҳоллари ҳам учрайди. Бу касалликка қарши химиявий дорилар ёрдамида ўтказиладиган профилактик тадбирлар асосан чўпонлар зиммасига юк-



ланади. Чўпонлар ўз вақтида молларга фенотиазин билан мис сульфат аралашмасини бериб туришлари лозим. Бу аралашмани беришда Ўзбекистон шароитидаги уч зонани — суғориладиган, саҳро-яйлов ва тоғ олди ҳамда тоғ яйловларини, йилнинг фасли, молнинг ёши ҳамда яйловлардаги ўт-ўланларни назарда тутиш керак.

Фенотиазин билан миссульфат аралашмасида кучли таъсир қилувчи дори вазифасини фенотиазин ўтайди. Фенотиазин химиклар томонидан синтез қилинган. Бу препарат кучли таъсир этади. Кўп гижжаларни ўлдиради, гижжалар ўлмаганида кўпаймайди (урғочи гижжаларнинг тухуми камаяди). Мол гижжа касаллиги билан оғриган бўлиб, овқат билан унга маълум миқдорда фенотиазин берилса, у ҳолда бу молнинг ахлатида гижжа тухумлари камаяди ёки улар ўлик бўлади, шу туфайли бошқа молларда бу касалликни чақирмайди. Мис купороси фенотиазиннинг гижжага қарши таъсирини кучайтиради. Мис купороси, юқорида айтилгандек, ичак цестодозларида берилади. Молга узоқ вақт мис купороси аралашган туз берилганида, унинг организмда жуда кўп мис микроэлементи тўпланиб кўнгилсиз ҳодиса рўй бериши мумкин. Мол организмда мис микроэлементи кўп миқдорда тўпланишига сабаб биринчидан, яйловдаги ўтлар таркибида миснинг кўплиги; иккинчидан — ерда ва ўтларда мис кўп миқдорда бўлиб организмда тўпланишига қаршилик кўрсатадиган моддалар (антагонист)нинг йўқлигидир. Молнинг организмда мис микроэлементи кўп тўпланиш хавфи туғилса, фенотиазин билан мис сульфат аралашмасига миснинг антагонисти бўлган молибден кислотасининг аммоний тузи қўшиб берилади.

Ўзбекистон шароитида туз аралашмасининг икки хили ишлатилади:

суғориладиган ерлардаги, тоғ олди ва тоғли яйловларда ҳамда шувоқ-эфемер ўтли яйловлардаги ўтлар таркибида мис бўлиб, тупроқ таркибида эса миснинг антагонисти — сульфат, молибден тузлари йўқдир.

Қўйлар бу зоналарда боқилганида уларга бериладиган аралашманинг таркиби қуйидагича бўлади: 10 ҳисса фенотиазин, 1 ҳисса мис купороси, 88 ҳисса ош тузи, 1 ҳисса аммоний, молибден.

Шўрхок ерларнинг ўтларида ва тупроғи таркибида миснинг антагонисти — сульфат ва молибден тузлари



жуда кўп. Қўйлар бу ерларда боқилганда 10 ҳисса фенотиазинга бир ҳисса мис сульфат, 89 ҳисса ош тузи аралаштириб берилади.

Бу аралашма ёғоч кўчма охурлардан октябрдан май ойигача ҳар куни бериб турилади. Бир кунда катта ёшдаги битта қўйга 10 граммдан, қўзиларга 5—8 граммдан берилади.

Қўйларга узоқ вақт давомида фенотиазин мис купороси тузлари аралашмасини берилганда молларнинг маҳсулдорлиги ошади; ҳар бир қўйдан олинадиган гўшт 2 кг га, жун 740 граммга ошади; ҳар 100 қорақўл совлиқдан қўшимча олинган қўзилар сони 5 тага етади.

Қўйларда трихостронгилидоз гижжа касаллиги тарқалганда план асосида профилактик дегельминтизация ўтказилиши керак. Шу мақсадда қўйнинг ҳар килограмм тирик вазни ҳисобига 1 граммдан фенотиазин ишлатилади. Аммо бир қўйга 35 граммдан ошиқ фенотиазин бериш мумкин эмас, масалан, қўй 50 кг бўлса, 35 грамм фенотиазин берилади. Фенотиазин сувда эримайди, ўзига сувни юқтирмайди, шунинг учун ҳам уни бошқа бирор аралашма таркибида берилади. Бундай аралашма сифатида желатинанинг 1% ли эритмаси, крахмал, ун, бентоний, алтей илдизининг унини ишлатса бўлади.

Қўйларда трихостронгилидоз касаллиги тарқалганда қўйидаги план асосида дегельминтизация ўтказиш тавсия қилинади:

суғориладиган зонада ёш қўзиларда бир марта, январь ойида дегельминтизация ўтказилади, катта ёшли қўйларда эса кузнинг бошланишида ва иккинчи марта қўйлар қўзилагандан сўнг ўтказилади;

сахро-яйлов зонасида ёш қўзиларда икки марта: биринчиси октябрь ва иккинчиси март ойларида дегельминтизация ўтказилади. Катта қўйларда эса бир марта, қўзилагандан сўнг ўтказиш кифоя. Тоғ ва тоғ олди зоналарида ёш қўзиларда дегельминтизация икки марта: биринчиси октябрь ва иккинчиси январь ойларида ўтказилади. Катта ёшли қўйларда эса биринчи марта январь ойида, иккинчи марта ёз фаслида фақат озғин, дирдов («хўрда») қўйлардагина дегельминтизация ўтказилади.

Қўй ва эчкиларда учрайдиган хабертиоз касаллиги. Хабертиоз қўй ва эчкиларда учрайдиган нематодоз—гижжа касаллигидир. Касалликни молларнинг йўғон ичаги-

да паразит ҳолида яшайдиган нематодлар (хабертий) чақиради. Бу касалликка учраган моллар ахлат билан ташқарига хабертийнинг тухумларини чиқарадилар. Ташқи шароит яхши бўлса тухумлардан личинкалар пайдо бўлади. Моллар хабертий личинкаларини ютиб юбориб бу касалликни юқтирадилар. Қўй ва эчкиларда бу касалликнинг ташқи белгилари қуйидагилардир: мол озади, кўз, лаб, тилнинг шиллиқ пардалари рангсизланади, ичи кетади, ёш моллар ўсмай қолади, баданда шиш пайдо бўлади, юнглари қуриб, тукила бошлайди, иштаҳа пасаяди, лекин чанқов орта боради. Тапаннинг иссиғи кўтарилади, юрак уриши ва нафас олиш тезлашади. Бу молларнинг ахлати суюқ, қон, шиллиқ аралаш бўлади.

Хабертиоз билан касалланган молларни дитразин билан даволаш яхши натижа бермоқда. Тирик молнинг ҳар 1 кг вазнига 0,5 грамм дан дитразин берилади. Дори кепакка, ҳўлланган емга аралаштириб едирилади. Фенотиазин билан даволаш яхши натижа беради. У молнинг ҳар килограмм тирик вазнига 1 грамдан берилади. Лекин бир сидра 35 грамдан ошиқ дори бериш мумкин эмас. Фенотиазин билан мис сульфат аралашмаси билан узоқ вақт давомида дорилаш ҳам яхши натижа беради.

Ўзбекистон шароитида хабертиоз касаллигига қарши қўйларда дегельминтизация қуйидаги план асосида ўтказилиши лозим:

суғориладиган зонада қўзиларда январь ойида, катта қўйларда — декабрь ойида;

сахро-яйловларида қўзиларда дегельминтизация январда, катта қўйларнинг озғин дирдовларида («хўрда») дегельминтизация молларни қочиришдан аввал ўтказилади;

тоғ ва тоғ олди зоналарида дегельминтизация ёш ва кекса қўйларда ҳам январь ойида ўтказилади.

**Қўй ва эчкиларда учрайдиган бунастомоз касаллиги.** Бунастомоз — бунастома деб аталадиган думалоқ гижжа (нематода)лар чақирадиган гижжа касаллигидир. Бунастомалар ичакда паразит ҳолида яшайди. Бунастомоз касаллигига учраган моллар ахлат билан бирга ташқарига паразитнинг тухумларини чиқаради. Ташқи муҳит шароитлари қулай бўлганда тухумлар личинкаларга айланадилар. Личинкалар молларнинг ичагига овқат билан бирга ёки соғ терини тешиб кирадилар. Бунастомоз касаллигига учраган моллар озади, ёшлари ўсишдан

тўхтайдди. Касал қўзиларнинг иссиғи кўтарилади, мол ҳолдан толади, бўшашади, кўз, лаб, тил шиллиқ қаватлари рангсизланади. Касалликнинг сўнгги даврида иштаҳа йўқолади, мол зўрға юради, кўпинча ётади, бадаида шиш пайдо бўлади, мол жуда озади, ахлати суюқ кўнғир рангли шиллиқ аралашган бўлади. Бу касалликдан баъзан қўзилар кўплаб ўлади.

Бунастомоз касаллиги тўртхлорли углерод билан даволанади. У қўзиларга 1—2 миллилитр, катта қўйларга, 3 миллилитрдан (бу дорини ишлатиш усули фасциолелар кабидир) берилади. Бунастомоз касаллигининг олдини олиш мақсадида молларга фенаттиазин — мис купороси тузлари аралашмаси узоқ вақт давомида едирилади.

**Қўй ва эчкиларда учрайдиган трихоцефалез касаллиги.** Трихоцефалез — трихоцефал номли думалоқ (нематода) гижжалари группасига кирувчи паразит чақирадиган гижжа касаллигидир. Трихоцефаллар йўғон ичакда паразит ҳолида яшайдилар. Трихоцефалнинг узунлиги 20 миллиметрдан 80 миллиметргача, калла томони ип каби ингичка, думи эса йўғон. Касалланган қўй ва эчкилар трихоцефал тухумларини ташқарига чиқарадилар. Сув ёки овқат билан мол организмга кирган тухумдан личинка пайдо бўлади. Личинка кўричак деворига бевосита ёпишади. Личинка жинсий балоғатга етган форага айланади. Трихоцефалез касаллигига учраган молларда иштаҳа йўқолади, ичи кетади, қорин девори оғрийди, мол озади. Диагноз махсус гельминтологик текширишлар асосида қўйилади. Қўй ва эчкиларнинг трихоцефалез касаллигига қарши фенотиазин билан мис сульфат аралашмаси яхши натижа беради.

**Қўй ва эчкиларда учрайдиган диктиокаулез касаллиги.** Диктиокаулез думалоқ гижжаларнинг трахея ва бронхларида паразит ҳолида яшайдиган формалари чақирадиган гижжа касаллигидир. Бу касалликка учраган қўй ва эчкилар ташқарига диктиокаулос личинкаларини чиқарадилар. Бу личинкалар маълум вақт ўтгач инвазион (бирор органга кира оладиган) даврга етиб, мол организмга киргач диктиокаулез касалини чақирадилар. Ҳайвонларда бу касалликнинг биринчи белгиси йўталдир. Йўтал аввал айрим молларда бошланади. Хўжаликнинг санитария аҳволи яхши бўлмаса бошқа молларга ҳам тарқалади. Даставвал мол қуруқ, қаттиқ, тўхтаб-тўхтаб йўталади. Йўтал кўпинча ҳаракат вақтида бош-

ланади, мол жуда қийналади, йўтал охирида бўгилиб қолади. Йўтал вақтида кўпик билан паразит ҳам чиқади. Молнинг нафас олиши қийинлашади. Молнинг ўпкасида (аускультация) бронхларнинг хириллаётгани эшитилади. Диктиокаулез билан оғриган молларнинг жағи остида, кўкрак остида, қориннинг пастки деворида, қари молларнинг оёқларида шиш пайдо бўлади. Овқат ҳазм қилиш трактининг ҳам иши бузилади, ичи кетади, бўшашади, оёқда туролмайди, овқат ея олмайди. Мол қаттиқ озиш натижасида нобуд бўлади.

Диктиокаулез касаллигига учраган молларни даволаш (гижжани ҳайдаш) учун йод эритмаси ишлатилади. Бу эритманинг таркиби қуйидагилардан иборат: кристалл йод 1,0 грамм, калий йод тузи 1,5 грамм, дистилланган ёки қайнаган сув 1500 грамм. Кристалл йод даставвал калий йоднинг қуюқ эритмасида эритиб олинади, сўнгра қолган сув қўшилади. Бу эритма ишлатиладиган куни қора шиша идишда тайёрланади.

Йод эритмаси трахеяга шприц ёрдамида юборилади. Бунинг учун мол 30—40° бурчак ҳосил қилиб бир оз ёнбошлатиб ётқизилади. Ёш қўзиларнинг ўпкасига 8 миллилитр, бир яшарларига 10 миллилитр, катта ёшдаги қўйларга 12—15 миллилитр эритма юборилади. Қўйларнинг диктиокаулез касаллигига қарши дитразин ишлатиш ҳам мумкин. Унинг эритмаси қўйнинг ҳар килограмм тирик вазнига 0,1 грамм ҳисобидан тери остига юборилади. Ўзбекистон шаронтида диктиокаулез касаллигига қарши дегельминтизация зоналар бўйича қуйидаги вақтларда ўтказилади:

суғориладиган ерларда — ёш моллар бир марта январь ойида, катта ёшдаги қўйлар туққандан сўнг, иккинчи марта июнь ойида фақат ориқ қўйлар («хўрда») дегельминтизация қилинади;

сахро-яйлов зоналарида: қўзилар март ойида, қўйлар январда, иккинчи марта ориқ қўйлар («хўрда») март ойида дегельминтизация қилинадилар;

тоғ ва тоғ олди зоналарида: ёш қўйлар бир йилда икки марта — январда ва апрелда, катта қўйлар бир марта апрель ойида дегельминтизация қилинадилар. Қўй ва эчкиларнинг диктиокаулез касаллигига қарши узоқ вақт давомида моллар фенотиазин-мис сульфат арашмаси билан боқилади.



## МУНДАРИЖА

Гижжа касалликлари ва гижжалар . . . . .	3
Гижжа касалликларини тугатишдаги гигиена қоидалари . . .	5
Қўй ва эчкиларда учрайдиган цестодозалар . . . . .	8
Ларваль цестодозларни тугатиш чоралари . . . . .	15
Ит боқиш ва улардан фойдаланиш . . . . .	17
Ценуроз ва экинококков касалликлари билан оғриган моллар- ни рўйхатга олиш . . . . .	: 20
Контроль . . . . .	: : : 22
Ветеринария билимларини оммалаштириш . . . . .	23
Қўй ва эчкиларда учрайдиган аноплоцефалетоз касалликлари.	24
Қўй ва эчкиларда учрайдиган трематодозлар . . . . .	26
Қўй ва эчкиларда учрайдиган нематодозлар . . . . .	30

*На узбекском языке*

*Н. Х. Эргашев, Н. М. Матчанов, В. М. Сидыков*

ГЕЛЬМИНТОЗЫ МЕЛКОГО РОГАТОГО СКОТА

*Издательство „Узбекистан“—1968—Ташкент*

Отпечатано в типографии № 3  
Ташкит, Навои, 30

Редактор *З. Содиқхўжаева*  
Техредактор *А. Бахтиёрва*  
Қорректор *Ф. Муҳамедова*

Тершига берилди 13/XII 1967 й. Босишга  
рухсат эгилди 6/II 1968 й. Формати 84×  
108<sup>1/2</sup>. Бос. л. 1,25. Шартли бос. л. 2,10.  
Нашр. л. Тиражи 10000. «Ўзбекистон»  
нашриёти. Тошкент, Навоий, 30. Шартно-  
ма № 368—67. № қўғозга босилди.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Дав-  
лат комитетининг 3-босмаҳонасида босил-  
ди. Тошкент, Навоий кўчаси. 30. Зак.  
№ 1008. Баҳоси 7 т.

И73

**Эргашев И. Х.** ва бошқ.

Қўй ва эчкиларда гижда (гельминт) касаллиги. Т., «Ўзбекистон», 1968.

37 бет. расм.

Сарлавҳа олдида авт. И. Х. Эргашев, И. М. Матчонов ва В. М. Содиқов.

**Эргашев. И. Х.** Гельминтозы мелкого рогатого скота.

636.09

№65—68

Навоий номли ЎзССР Давлат  
кутубхонаси.

4-9-2

1968



7 т.

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ